# “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 31-декабрьдаги “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 376 сонли қарори тўғрисида**

Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибин янада такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий ишларини юритишга қулай шарт-шароит яратиш, божхонада расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг Ягона автоматик ахборот тизимига ваколатли органлар томонидан тезкор ва тўлиқ киритилишини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 31-декабрьдаги “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 376 сонли қарорини ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ушбу кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан:

а) Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги Режа иловага асосан тасдиқланганлиги;

б) вазирликлар ва идораларга бир ой муддат давомида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 29-декабрьдаги “Товарларни божхонада электрон шаклда ҳужжатлаштириш процедураси тўғрисида”ги 370 сонли қарорининг 2-банди ва ушбу қарор иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирликлар ва идораларга бир ой муддат ичида ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 3 январьдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 29-декабрьдаги “Товарларни божхонада электрон шаклда ҳужжатлаштириш процедураси тўғрисида”ги 370 сонли қарори тўғрисида»ги 4-сонли қарори 2-банди б) кичик банди ва ушбу қарорга иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Мамутов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгаши Раиси** **Б.Янгибаев**

Нукус ш.,
2015 й. 10 январ
№8

nbsp;div style=

*Ko'rib chiqildi:*

Izlash

- Vazirlar Kengashi
- Statistik va tahliliy ma’lumotlar
- Vazirliklar va idoralar
- Shahar va tuman hokimliklari
- Hujjatlar
- Respublika mehmonlariga
- Elektron hukumat
- Interaktiv davlat xizmatlar